



## ҚОРАҚҮЛ ҚҰЙЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА ТУРЛИ ТИПДАГИ ЯЙЛОВЛАРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ, ҚҰЙ ВА ЭЧКИЧИЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁГАН ИШЛАР

М.Матякубов<sup>1</sup>, Ш.Турсунбоев<sup>2</sup>

<sup>1</sup>“Ўзбекчорванасл” агентлиги чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи,

<sup>2</sup>Тошкент давлат аграр университети магистри  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5580034>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021  
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021  
Chop etildi: 15- oktabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Қорақўл қўйлари, яйлов типлари, яйлов рационали, эфимер ва эфимероидли яйлов, яйлов айланмаси, она сути, озуқа элементлари

### ANNOTATSIYA

Мақолада яйловлардан рационал фойдаланиш, яйловлардан рационал фойдаланишнинг асосий томоиллари, қорақўл қўйлари бир меъёрда озиқлантириш, қорақўл қўйлари сақлаш ва озиқлантириш, шувоҳли – эфемерли яйловларнинг соддалаштирилган икки бўғинли ўн йиллик яйлов айланмаси, эфемер–эфемероидли яйловларнинг соддалаштирилган тўрт бўғинли саккиз йиллик яйлов айланмаси, қорақўл қўзиларнинг она сути, яйлов озуқаси билан озиқланиши ва уларнинг озуқа элементлари билан таъминланиш даражаси ва қўй ва эчкичиликда амалга оширилаётган ишлар келтирилган.

Яйловлардан рационал фойдаланишнинг асосий томоилларидан бири яйловлар табиий сиғимининг унда боқилаётган ҳайвонлар бош сонига мутаносиблиги ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқотларда яйловларнинг биологик имконияти билан ундаги ҳайвонлар бош сони ўртасидаги тенгликни (баланс) ҳисобга олиш лозим. Қорақўл қўйлари маҳсулдорлигини ошириш табиий яйловларнинг ҳолатига ва озуқабоп ўсимликларнинг тўйимлилиги қийматига боғлиқ. Яйлов қорақўл қўйлари маҳсулдор фаолият кўрсатишининг моддий асоси ва таянч базаси ҳисобланади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўйлари зотли генофондини сақлаш ва кенгайтиришга

катта эътибор қаратилмоқда. Шунининг оқибатида, Европанинг замонавий қўйчиликда 300 дан ортиқ қўй зотлари билан ифодаланади. Англияда қўйлари 60 та зотига эга бўлишига қарамай, янги, маҳсулдор зотларни яратишга катта эътибор берилмоқда.

Республикамизда қўй зотларидан жайдари, ҳисор зотлари ва гўштдор-сержун зот гуруҳлари урчишиб кўпайтирилмоқда. Ушбу зотларнинг ҳар бири ўзининг муҳим биологик ва хўжалик учун фойдали белгиларига эга бўлиб, бу қўй зотлари ташқи кўриниши, ирсияти ва маҳсулдорлик хусусиятлари билан бир – бирдан фарқ қилади. Республикамизда 2021 йил 1 январь ҳолатига майда шоҳли моллар бош сони



22 млн. 499 минг бошга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 592 минг бошга ёки 102,7 фоизга Жумладан; қўй ва эчкичилик фермер хўжалиқларимизда майда шоҳли моллар бош сони 4 млн. 189 минг бошга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 416 минг бошга ёки 111,1 фоизга, ўсишга эришилди.

(Республика бўйича жами 22 млн 499 минг бош қўй-эчкилардан 18 млн 310 минг боши 81.3% аҳоли шахсий хўжалиқларида, 4 млн. 189 минг боши 19.7% қўйчилик ва эчкичилик субъектларида) 2021 йилнинг 1 январь ҳолатида қўй ва эчки гўшти ишлаб чиқариш ҳажми 394 минг тоннага ёки ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 13 минг тоннага 103,4 фоизга ўсиши таъминланди. Қоракўл қўйи йил давомида яйловда сақланганлиги сабабли қоракўлчилик хўжалиқлари ишлаб чиқариш рентабеллиги ва экологик муҳити табиий яйловларнинг ҳолатига боғлиқ.

Тоғ олди текисликларининг қумоқ тупроқли шувоҳ-эфемерли яйловлари учун соддалаштирилган икки бўғинли ўн йиллик яйлов айланмаси қўллаш қулай. Яйлов айланмасини тузишнинг асосий тамойили ўтлатишни икки мавсумда қўклам ва ёзда 4-5 йилда алмашлаб туришдан иборат. Кузги ва қишги яйловлар алмашланмасдан ўтлатилади.

### Шувоҳли - эфемерли яйловларнинг соддалаштирилган икки бўғинли ўн йиллик яйлов айланмаси

1-жадвал

Фойдаланиш муддатлари (йил)	Дала яйлов айланмаси			
	Биринчи		Иккинчи	
	Фойдаланиш мавсумлари			
	Асосий	Такрорий	Асосий	Такрорий
1-5	Баҳор	Куз	Баҳор	Куз
6-10	Ёз	Қиш	Ёз	Қиш

Эфимер ва эфимероидли яйловлар учун соддалаштирилган тўрт бўғинли саккиз йиллик яйлов айланмасидан фойдаланиш қулайроқ. Жанубий ҳудудларда ўсимликлар қиш ойида ҳам

ўсади, шу сабабли ўтлатишнинг асосий мавсуми баҳор ва қишда ҳар 4 йилда алмашлаб, ёз ва кузда алмашламасдан фойдаланилади.

Эфемер - эфемероидли яйловларнинг соддалаштирилган тўрт бўғинли саккиз йиллик яйлов айланмаси

2-жадвал



Фойдаланиш муддатлари (йил)	Дала яйлов айланмаси			
	Биринчи	Иккинчи	Учинчи	Тўртинчи
1-4	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
5-8	Қиш	Ёз	Куз	Баҳор

Соддалаштирилган яйлов айланмасининг қулайлиги шундан иборатки, хўжалик бинолари (кошар, иссиқхона, омбор ва б) фақат қўйларни қишда сақлаш майдонларидагина қурилади.

Қўзиларнинг она сути, яйлов озуқаси билан озиқланиши ва уларнинг озуқа элементлари билан таъминланиш даражаси уларнинг маҳсулдорлигини шаклланишини белгилаб беради (3-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики қўзиларнинг эмизикли даврида (ёз мавсуми) сут ва яйлов озуқасини қабул қилиши 0,485 кг ни ташкил этади ва бу озуқа таркибида 0,36 озуқа бирлиги, 28,4 хазмланувчи протеин, 6,6 МДж алмашинув энергияси мавжуд. Ушбу ёш даврида қўзиларнинг озиқланиш меъёри бўйича 0,73 озуқа бирлигидан иборат, 77,0 хазмланувчи протеин, 8,48 МДж алмашинув энергияси талаб этади. Қўзиларни озуқа билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинганда айтиш мумкинки 49,31 % озуқа бирлиги билан (хазмланувчи протеин 37%, алмашинув энергияси 78,54%) таъминланган холос.

Қўйларни 7-7,5 ойлик даврида (куз мавсуми) озиқлантиришда қабул қилган яйлов озуқаси миқдори 1,24 кг ташкил этган. Ушбу озуқа ўз навбатида таркибида 0,53 озуқа бирлиги, 49,2 хазмланувчи протеин, 8,0 МДж алмашинув энергия мавжуд. Ушбу

ёшдаги ҳайвонларга аслида зоотехникавий озиқланиш меъёри бўйича 0,81 озуқа бирлигидан иборат, 85,8 хазмланувчи протеин, 9,44 МДж алмашинув энергияси талаб этади. Яйлов озуқалари билан қўзиларни таъминланиш даражаси ҳисобланганда 65,43 % озуқа бирлиги билан (хазмланувчи протеин 57,34%, алмашинув энергияси 84,74%) таъминланганлигини кўриш мумкин.

Қорақўл қўйларини қиш мавсумида (9,5-10 ойлик) озиқлантириш даражаси ўрганилганда олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 1,33 кг яйлов озуқаси қабул қилинган. Озуқа таркибида эса 0,48 озуқа бирлиги, 40,0 хазмланувчи протеин, 7,6 МДж алмашинув энергияси сақлайди. Меъёр бўйича ушбу даврда 0,86 озуқа бирлигидан иборат, 21,2 хазмланувчи протеин, 10,04 МДж алмашинув энергияси талаб этади. Таҳлиллар натижасида озуқа бирлиги 55,81 %, хазмланувчи протеин 43,86%, алмашинув энергияси 75,69% таъминланганлигини кўриш мумкин.

Турли жинс ва ёш гуруҳларидаги қорақўл қўйларини озиқлантириш меъёрлари урғочи қўзиларда 4-8 ойлик ёшида 0,85 озуқа бирлиги (алмашинув энергия 9,9 МДж, хазмланувчи протеин 90 г ва қуруқ модда 1,1 кг), 8-12 ойлик ёшида 0,95 озуқа бирлиги, 12-18 ойлигида 1,1 озуқа бирлигини ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Қўчқорларда ушбу кўрсаткичлар бироз юқори бўлиши



билан характерланади яъни 4-8 ойлигида 1,0; 8-12 ойлигида 1,3 ва 12-18 ойлигида 1,45 озуқа бирлигини ташкил этади. Насли қўчқорлар учун озиклантириш меъёрлари 1,25 озуқа бирлигини ташкил этган ҳолда таркибида 15,0 МДж алмашинув энергия, 190 г ҳазмланувчи протеин ва 1,6 кг қуруқ модда сақлайди.

## Хулоса

Қўйлардан юқори сифатли маҳсулот олиш учун уларни йил давомида озиклантириш даражасини юқори даражада сақлаш билан биргаликда тўлақийматлигини таъминлашда яйловлардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда республикамизда соҳага берилаётган эътибор туфайли шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва мол бош сонларини ҳамда наслини яхшилашда бир қатор ижобий ишлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жумладан қўйчиликда ҳам. Чорвадорларимиз томонидан қўйларни меъёр даражада парваришлаш, тўла қийматли озиклантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Генетик ресурсларнинг ҳилма-ҳиллиги юқори маҳсулдорлик салоҳиятига эга ва наслчиликнинг маҳаллий табиий, иқтисодий ва технологик шароитларга яхши мослашадиган янги зотларни, турларни, тизимларини яратиш учун асос булади.

Ҳайвонлар етарли даражада озуқа элементлари билан таъминланмаслиги уларнинг ўсиш ва ривожланишдан қолади ҳамда маҳсулдорлиги кескин

камайиб кетади. Шу сабабли ҳайвонларни йилнинг барча мавсумларида етарли даражада озиклантириш лозим.

Яйловлардан рационал фойдаланишнинг асосий хусусияти – загон тизимидан фойдаланиб, қўйларни галма-гал ўтлатиш учун унга катта бўлмаган майдончаларга бўлинади. Натижада ўсимликлар такроран ўсади, қўйларни яйлов ўсимликлари билан таъминлаш даражаси ортади.

Ўтлатишнинг загон тизими қўйларнинг баъзи бир касалликларига қарши курашишда профилактик аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда дунёда яратилган 45 та қўй зотининг 93 фоизи олимлар томонидан яратилган бўлиб, қўйларнинг мавжуд юқори маҳсулдор куй зотларини генофондини сақлаш ва қупайтириш қўйчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда юртимизда қарийб 830 та наслчилик хўжалиги фаолият кўрсатапти. Уларда Беларусь, Украина, Польша, Австрия, Германия, Голландия каби давлатлардан олиб келинган насли қорамоллар кўпайтирилиб, олинаётган бузоқларнинг 20 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари, аҳолига сотилаётир.

Албатта, ҳали олдинда амалга оширадиган ишларимиз бисёр. Айни пайтда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари соҳага доир узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли стратегия ишлаб чиқмоқда. Юртимизни дунёнинг чорвачилик соҳаси



ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш борасидаги режалар хусусида изланишлар олиб борапти. Яқин келажакда ана шундай истиқболли

режаларимизни амалиётга татбиқ эта бошласак, давлатимиз раҳбари бошлаб берган кенг кўламли ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Бобокулов Н.А. Этологические основы и технологические приёмы повышения эффективности каракульского овцеводства. Монография. Самарқанд. “Зарафшон” 2014. 227 с.
2. Бобокулов Н.А, Попова В.В, Газиёв А –Тренинг рациональное использование кормовых ресурсов в пустынно – пастбищном животноводстве.
3. Попова В.В, Бобокулов Н.А. – Эффективность посезонного использования и трансформация пастбищного корма в шерстную продукцию у овец разных этологических типов. Ж.Зооветеринария 2013 г. с 28-31.
4. Попова В.В. Эффективность использования и трансформация обменной энергии пастбищного корма на продукцию у овец. Самарқанд 2010, С 110-114.
5. Рахимов А, Қорақўлчилик, Т.1967.